



ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ТЕРГОВ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Абдумалик Каримов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг
мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17785701>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-noyabr 2025 yil

Ma'qullandi: 28-noyabr 2025 yil

Nashr qilindi: 30-noyabr 2025 yil

KEY WORDS

экстремизм, терроризм,
жамият, давлат,
профилактика, хавфсизлик,
конвенциялар, экстремизмни
молиялаштириш.
Экстремизмнинг турлари ва
уларнинг мазмуни

ABSTRACT

Мазкур мақолада Диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш самарадорлигини ошириш жараёнида, соҳани тартибга солувчи процессуал-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва замонавий ахборот-технологияларидан фойдаланишни зарурияти ва ахамияти хусусида фикр юритилади

Ҳозирги кунда диний кўринишдаги экстремистик ҳаракатлар¹ халқаро миқёсда кўп давлатлар учун оғриқли масала бўлиб, энг кўп мунозараларга сабаб бўлмоқда. Ушбу муаммони ҳал этишда аввало, давлатнинг ушбу соҳадаги қонунчилигини пухта ишлаб чиқиш ва уни амалиётга қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган йўлнинг танлаши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтилиши, халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари тан олиниши муносабати билан юртимизда диний соҳа тубдан қайта ислоҳ этилмоқда. Хусусан, 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўзининг маърузасида “Конституция ва қонун устуворлиги ҳамда қонунийлик тамойилларининг сўзсиз таъминланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир. Биз бу фикрни янада теран англаб олишимиз керак. Шу нуқтаи назардан Конституция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт” лиги хусусида таъкидлаб ўтган.

Миллий қонунчилигимизга кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бирор масала юзасидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилишлиги кўрсатиб ўтилган. Хусусан, экстремизмга қарши курашиш соҳасида ҳам аввало, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бажарилади ва

миллий қонунчилик ҳам ҳалқаро нормалар асосида шакллантирилади.

Маълумки, БМТнинг терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган 13 та ҳужжати (11 та конвенция ва 2 та протокол) мавжуд.¹ Қайд этилган конвенция ва протоколларда мустаҳкамлаб қўйилган қоидалар Ўзбекистонда қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ҳам изчил ифодасини топмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистон 12 та ана шундай ҳалқаро шартномаларни ратификация қилган. Улар қаторида 1971 йилдаги фуқаро авиациясининг хавфсизлигига таҳдид соладиган ноқонуний актларга қарши кураш; 1973 йилдаги ҳалқаро актлардан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан, дипломатик агентларга қарши жиноятлар учун жазолаш ва уларни бартараф қилиш; 1979 йилдаги гаровга олиш ҳаракатларига қарши кураш; 1980 йилдаги ядровий материалларнинг ҳимояси; 1988 йилдаги денгиз кемалари ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган ноқонуний актларга қарши кураш; 1997 йилдаги бомбавий терроризмга қарши кураш; 1999 йилдаги терроризмни молиялаштиришга қарши кураш ҳалқаро конвенциялари борлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистоннинг ҳалқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашдаги иштироки минтақавий ташкилотлардаги фаолиятида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ), Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти (ЕИХТ), Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ), Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) каби бир қатор минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган шартномаларни бажаришда фаол қатнашиб келмоқда.² Зеро, Ўзбекистон Республикасининг ушбу шартномаларда қатнашиши унинг ички ва ташқи сиёсатининг мантиқий давомидир.

МДХ давлатлари ҳудудида экстремизмга қарши курашнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини тартибга солувчи илк меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат 2009 йил 14 майдаги №32-9 рақамли “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги МДХга аъзо давлатларнинг намунавий Қонунидир.

Бундан ташқари, 2001 йил 15 июндаги “Терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш ҳақидаги Шанхай Конвенцияси” қабул қилиниб, мазкур Конвенцияда, унинг мақсадлари учун қўлланиладиган атамалар, ҳалқаро ҳамкорлик, Конвенция моддаларини қўллаш бўйича миллий қонунчилик, Конвенцияга аъзо бўлиш учун депозитарийлар, Конвенция бўйича маслаҳат ва тажриба алмашиш, Конвенцияга мос ҳолда Марказий ваколатли органлар ва уларнинг ваколати, Марказий ваколатли органларнинг ўзаро ахборот алмашиши, ушбу органларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда ҳалқаро сўров бўйича мажбуриятлари ёритилган.

Шу билан бирга, 2002 йил 7 июндаги “ШХТга аъзо давлатлар ўртасида регионал антитеррор тузилмаси ҳақидаги келишув” кабиларни экстремизм ва терроризмга қарши курашда минтақавий норматив ҳужжат сифатида мисол сифатида кўрсатиш мумкин.²

Ушбу норма билан мамлакат ҳудудида ҳар ким ўзининг эътиқодидан келиб чиқиб хоҳлаган динига эътиқод қилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Зеро, кўпмиллатли ва турли эътиқодларга эга ҳалқлар яшайдиган Ўзбекистон учун бу жуда муҳимдир. Шу билан

бирга, норманинг охириги жумласи билан Республика ҳудудида миссионерлик ҳамда прозелитик ҳаракатлар тақиқланган.

Конституциянинг 57-моддасига кўра, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳалқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланган. Бош қомуснинг 61-моддаси ҳам мазкур йўналишга бағишланган. Унда диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилганлиги ҳамда қонун олдида тенглиги кўрсатиб ўтилган, ҳамда давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, 2018 йил 30 июлда “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Президент томонидан тасдиқланди ва 2018 йил 1 ноябрдан кучга киритилди. Мазкур Қонун 5 та боб ҳамда 24 моддадан иборат бўлиб, аҳамиятга молик томони, мамлакат тарихида экстремизмга қарши курашдаги асосий тушунчаларга биринчи марта таъриф берилганлиги ҳамда унга қарши кураш тизими ушбу ҳужжат билан белгилаб қўйилганлигидир.

Қонун билан “экстремизм”, “экстремист”, “экстремистик гуруҳ” “экстремистик ташкилот”, “экстремизмни молиялаштириш” каби тушунчаларга аниқ таъриф берилсада уларнинг майримларига мазмунан маъноси таърифланмаган. Бундан ташқари, Қонун доирасида экстремизмга қарши курашишнинг асосий принциплари, бу соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, олдини олишга доир чора-тадбирлар, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш ҳамда мазкур йўналишда фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг вазифалари аниқ кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда “экстремизмни молиялаштириш” тушунчасига таъриф берилган ҳамда ушбу тушунча қонунчиликка биринчи марта киритилган. Унга кўра, экстремизмни молиялаштириш – бу экстремистик фаолиятнинг мавжуд бўлишини ва фаолият кўрсатишини, шахсларнинг экстремистик фаолиятда иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишини ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишини таъминлашга, экстремистик ташкилотларга ёхуд экстремистик фаолиятга кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағларни, ресурсларни беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият сифатида белгилаб қўйилди.

Қонунда экстремистик фаолиятга алоқадор шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни музлатиб қўйиш, шахсларнинг операцияларини тиклаш, музлатиб қўйилган пул маблағларидан ёки бошқа мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан манфаатдор вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар

билан келишган ҳолда белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Қонунчилик талабларида бирор соҳа юзасидан Қонун чиқарилган ҳолларда, ушбу соҳа билан боғлиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам ўзгартириш-қўшимчалар киритиш лозимлиги белгилаб қўйилган.

2016 йил 25 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг 405-сонли Қонунига асосан, бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритилди. Унга асосан, “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга “терроризмни молиялаштириш” тушунчаси киритилиб, таъриф берилган ҳамда мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига янги 155³-модда (Терроризмни молиялаштириш)си янги норма сифатида қўшилган.

Шу билан бирга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг ҳуқуқий асоси сифатида “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, мазкур қонундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Адлия вазирлигидан 2833-сон билан рўйхатдан ўтган “Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи ишлаб чиқилди. Ушбу буйруқ асосида терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг аниқ механизмлари белгилаб берилди.

Бироқ, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун кучга кирганига етти йилга яқин муддат ўтган бўлсада, экстремизмни молиялаштиришга қарши курашиш тартиби ишлаб чиқилмаган ҳамда жиноят қонунчилигига экстремизмни молиялаштирганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норма киритилмаган.

Натижада, ҳуқуқий асоснинг мавжуд эмаслиги, ҳозирда содир этган экстремистик ҳаракати учун қидирувда бўлган шахслар томонидан эркин тарзда банк-молия операцияларини амалга оширишларига олиб келмоқда.

Шунингдек, диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш жараёнини асосий тартибга солувчи норматив-ҳужжатлар қаторига 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган жиноят кодекси, жиноят-процессуал кодекси ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари киритилади. Мазкур ҳужжатларга кўра, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар экстремистик ҳаракат сифатида баҳоланиши жиноят кодекси билан тартибга солинса, куч тузилмалари томонидан аниқланган экстремистик ҳарактердаги жиноятларни терговга қадар текширув, суриштирув ҳамда тергов жараёнлари жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солинади. Диний эркинлик ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар эса маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тартибга солинади.

Жиноят кодексининг “тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар” ҳамда “жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар” номли бўлимларида

айнан диний экстремизм билан боғлиқ жиноятлар учун ЖКнинг 244¹-жавобгарлик назарда тутилган моддалар кўрсатилган бўлсада, айрим ибораларнинг асл мазмуни хусусан:-

-“экстремал қарашлар” умумий қабул қилинадигандан ташқари кескин радикал қарашларда содиқликни англатади.

Экстремал: тартиббузарликлар, терроризм ёки фуқаролик итоатсизлигини кўзгагиш каби экстремал чораларни қўллашни ўз ичига олади.

Мафкуравий асос: Кўпинча ҳар қандай ҳолатга асосланган ижтимоий зўравонлик, нафрат ёки адоватни оқлайдиган ёки тарғиб қилувчи мафкурани ўз ичига олади.

Турлари: экстремизмнинг ҳар хил турларини, қамраб оладиган ҳаракат мазмунлари ҳозиргача жиноят қонунчилигида ўз аксини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184^{1,2,3}-м, 201-м, 202¹-м, 240-м, 241-моддаларида диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатнинг экстремизмга қарши курашишдаги норматив-ҳуқуқий базасини мустаҳкам эмаслиги, ушбу турдаги жиноятчиликка қарши курашишдаги фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, экстремизм билан боғлиқ ижтимоий ҳавфли қилмишлар содир этган шахсларнинг ҳаракатларини ҳуқуқий баҳолашдаги тушунмовчиликлар, шахсларнинг давлатга нисбатан ишончсизлигини ортишига сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, экстремизмга қарши курашишда дастлаб ушбу соҳадаги қонунчиликни пухта ишлаб чиқиш ва уни ишлаш механизмини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўзининг маърузасидан Халқ сўзи газетаси 8 декабрь.
- 2.Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши глобал курашдаги ўрни. <http://muslimaat.uz>
- 3 Ўша манба.
4. “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2018 йил 30 июл
5. Ўша манба.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий Кодекслар
- 7.Терроризмга Қарши кураш тўғрисидаги Қонун
8. Экстремизм қарши кураш тўғрисидаги қонун
9. Усманова М. А., Ахмедова М. Т. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР //Та’лим фидойлари. – 2022. – Т. 15. – №. 1. – С. 162-167.
10. Нурмухаммедова, Г. (2025). Соотношение коррупционных и квазикоррупционных деяний: уголовно-правовая доктрина Узбекистана и сравнительный анализ. Общество и инновации, 6(3), 209–230. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss3-pp209-230>

11. Закурлаев А. К. ТЕРГОВ ВА СУД ЖАРАЁНИДА ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied
Sciences. – 2025. – Т. 5. – №. 5. – С. 15-23

